



МУЛКНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

doi* <https://doi.org/10.55439/ECED/vol24 iss5/a33>

Ташмуҳамедова Маҳина Қудратбек қизи -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Фундаментал иқтисодиёт кафедраси
ассистенти

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириши босқичлари таҳлил қилинган ҳамда Янги Ўзбекистон шароитида хусусийлаштиришининг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

Ключевые слова: мулкчилик, мулк, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириши босқичлари, нодавлат сектори, Янги Ўзбекистон, акциялар, аукцион, корхона ва объектлар, инвестиция.

ОСОБЕННОСТИ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ПРОЦЕССА ЭТАПЫ РАЗГОСУДАРСТВЛЕНИЯ И ПРИВАТИЗАЦИИ СОБСТВЕННОСТИ

Ташмуҳамедова Маҳина Қудратбек қизи -
Ассистент кафедры фундаментальной экономики
Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. В данной статье рассмотрены и анализированы особенности осуществления этапы разгосударствления и приватизации собственности в Узбекистане, а также особенности их в новом Узбекистане.

Ключевые слова: собственность, отношения собственности, разгосударствление, этапы приватизации, негосударственный сектор, новый Узбекистан, акция, аукцион, инвестиция, предприятия, объекты.

PECULIARITIES OF THE IMPLEMENTATION OF THE PROCESS, STAGES OF DENATIONALIZATION AND PRIVATIZATION OF PROPERTY

Tashmukhamedova Makhina Kudratbek kizi -
TSUE Assistant of the Department
"Fundamental Economics"

Annotation: This article discusses and analyzes the features of the implementation of the stages of denationalization and privatization of property in Uzbekistan, as well as their features in the new Uzbekistan.

Key words: property, property relations, denationalization, stages of privatization, non-state sector, new Uzbekistan, action, auction, investment, enterprises, objects.

Кириш. Ҳали мустақиллик қўлга киритилмасдан, 1990 йилнинг октябрида республика мизда “Ўзбекистон Республикасида мустақиллик тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, унда мулкчилик ҳуқуқини кафолатлаш ва ҳимоя қилишининг ҳуқуқий асослари биринчى марта йўлга қўйилган эди. Бу қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги мулк дахлсиз деб эълон қилиниб, унинг ҳар қандай шаклининг мавжуд бўлишига имкон яратилган эди. Давлат барча мулқдорлар ҳуқуқларининг тенг асосдаги ҳимоясини таъминлашни ўз зиммасига олган эди.

Ҳақиқий мулқдорлар синфининг қарор тошиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий негизнинг шакллантирилиши 1991 йил февралда “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан бошланди. Ушбу қонун:

- мамлакатда тадбиркорликнинг қарор тошиши, амал қилиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асосларини белгилаш;

- тадбиркорликнинг ҳуқуқий мажбуриятларини белгилаб, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий эркинликларини таъминлаш;

- тадбиркорликнинг бошқа корхона ва ташкилотлар, давлат бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини кафолатлаш;

- мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини танлаш эркинлиги, уларнинг амал қилиш тенглиги, ўзаро ҳамкорлиги ва эркин рақобатини таъминловчи шарт-шароитларни яратиш имконини берди.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий негизини мулкни давлат тасарруfidan чиқарish ва уни хусусийлаштириш ташкил этади.

Адабиётлар таҳлили. Мулкий муносабатлар жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида муҳим ўрин эгаллади, уларда табиат

билин жамият, турли ижтимоий қатламлар ва гурухлар манфаатлари тўқнаш келади.

Мулк категориясига иқтисодчилар томонидан турли хил таърифлар бериш ҳам мавжуд. Мулкка дастлабки таъриф бешинчи асрда император Юстинианинг “Рим ҳуқуқи” кодексида берилган бўлиб, унда мулкчилик, эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи тарзида кўрсатилган [3].

Иқтисодчи олим Д.Тожибоеванинг фикрича: “Мулк деганда, чекланган неъматлар (моддий ва маънавий бойлик)ни белгиланган тартиб асосида ўзлаштириш тушунилади” [3]. Проф. М.Р.Расуловнинг фикрича: “Мулк моддий ва бошқа бойликлардан фойдаланиш шароитлари, муносабатлари, эгалик қилиш, ўзлаштириш мазмунини ўз ичига олади. Мулкка эгалик эса қўпроқ бойликка эга бўлиш ва у билан боғлиқ барча шароитларни кўлга киритишдир. Шунга кўра у иқтисодий мазмунга эга иқтисодиёт асосидир” [6]. Профессорлар Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуровнинг таъкидлашича: “Мулк барча неъматларга эгалик қилиш ва фойдаланиш борасида инсонлар ўртасидаги мавжуд муносабатлардир. Мулкчилик муносабатлари мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир” [7].

Г.В.Плеханов номидаги Иқтисодий фанлар академияси ва Санкт-Петербург Иқтисодиёт ва молия университети томонидан чоп этилган иқтисодиёт назарияси бўйича дарсликда мулкка бирмунча тўғри ва тўлиқ таъриф берилган. Мазкур дарсликда мулкка қуйидаги таъриф берилади: “Мулк иқтисодий категория сифатида ишлаб чиқариш воситалари ва уларнинг кўмагида яратилувчи моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол жараёнида инсонлар ўртасида эгалик қилиш борасида вужудга келувчи муносабатларни акс эттиради” [16]. Проф. А.Хуррамовнинг таъкидлашича: “Мулк иқтисодий категория сифатида ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи, ахборот, пул маблағларига эгалик қилиш борасида ва уларнинг кўмагида яратилувчи моддий ва ижтимоий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол жараёнида инсонлар ўртасида вужудга келувчи муносабатларни акс эттиради” [17].

Маълумки, мулкчилик масаласи бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қиласди. Шунинг учун ҳам мулкий муносабатларни тубдан ўзгаришик иқтисодий муносабатларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Унинг тубмоҳияти мулкни ҳақиқий эгалари кўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ҳисобланади.

Шунинг учун марказлаштирилган – режали иқтисодиёт ўрнида ӯзида хилма-хил мулк шакллари, рақобат ва демократик жамият тамоилларини мужассам этган бозор иқтисодиётини қарор топтириш зарурати вужудга келди. Давлат мулкини хусусийлаштириш ва уни давлат тасарруфидан чиқариш, шу асосда хилма-хил мулк ва хўжалик юритиш шаклларига эга жамиятни барпо этиш, давлат мулки ва мулкчиликнинг бошқа шакллари ўртасида мақбул нисбатларни излаб топиш бундай ўтишнинг муҳим йўлларидан бири ҳисобланади.

Академик С.С.Ғуломовнинг таъкидлашича: “Хусусийлаштириш шакллари хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Улар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, муайян ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, хўжалик муносабатлари таркибининг хусусиятлари ва бошқа омилларига қараб ўзгариб туради. Бундай муносабатлар юксак тараққий этган индустрисл давлатлар, ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек, янги иқтисодий тузумга ўтиш амалга оширилаётган давлатларда турлича амал қиласди. Хусусийлаштиришнинг 20 дан қўпроқ тури мавжуд” [2].

Жумладан, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида (АҚШ, Япония, Германия, Англия, Швейцария, Франция ва шу кабиларда) хусусий сармоядорларга илгари национализация қилинган ва банк гурухларини, давлат мулкини сотиш хусусийлаштириш ҳамда мулк эгалари сонини кўпайтиришнинг асосий воситаси ҳисобланади [2].

Ф.Ваҳобовнинг баён қилишича: “Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор. Иқтисодиётни ислоҳ этишнинг фалажли даволаш усулларини қўлламаслик, бепул хусусийлаштиришдан воз кечиши, ёқилғи ресурслари ва айрим истеъмол товарлари нархлари тўла эркинлаштирилмаганлиги, қатор ҳаётий истеъмол товарларига қатъий давлат нархларининг ўрнатилиши шулар жумласидандир” [18].

Ўзбек моделининг афзалллик томони шундан иборатки, Ўзбекистонда МДҲнинг бошқа мамлакатларига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми пасайишининг энг паст даражаси кузатилди ва биринчи бўлиб ислоҳотлардан олдинги ишлаб чиқариш ҳажмига эришилди.

Ўзбекистон учун мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш турли шаклларига асосланган иқтисодиётни шакллантиришга босқичма-босқич ўтиш йўли хосдир [18].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мантикий абстракция, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, статистик таҳлил

каби услублардан кенг фойдаланилган. Тадқиқотнинг услублари илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган йўналишлари деалектик метод асосида шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ёндашувининг муҳим хусусияти уни дастурлар асосида босқичмабосқич амалга оширишдан иборат бўлганлиги ҳисобланади. Агар 1990-1991 йилларни ислоҳотлар тажрибасини орттириш ва ўрганиш даври деб ҳисоблаш мумкин бўлса, 1992-1994 йиллар фаол хусусийлаштиришнинг биринчи босқичига айланди.

Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат қўрсатиш корхоналарини ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини қамраб олди. Енгил маҳаллий саноат, транспорт ва қурилишга, бошқа тармоқларга қарашли айрим ўрта ва йирик корхоналар кейинчалик сотиб олиниш ҳуқуқи билан кўпроқ ижара корхоналари, жамоа корхоналарига ёпиқ турдаги ҳиссадорлик корхоналарига айлантирилди. Акцияларнинг назорат пакети давлат ихтиёрида сақлаб қолинди.

Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида – 1992-1994 йиллар асосий диққат эътибор маҳаллий саноат, савдо, транспорт, аҳолига майший хизмат қўрсатиш, умумий овқатланиш матлубот кооперацияси, агросаноат мажмуаси, қайта ишлаш тармоқлари корхоналарини мулкчиликнинг турли шаклларига айлантиришга қаратилди. 1994 йил бошига келиб, тайёрлов ва қайта ишлаш тармоқлари корхоналарининг 96 фоиздан кўпроғи, шунингдек, давлат ва идораий уй-жой фондлари хусусийлаштирилиб бўлинди. Ўшанда савдо ва умумий овқатланиш ялпи маҳсулотларининг 82 фоиздан кўпроғи давлатга қарашли бўлмаган сектор ҳиссасига тўғри келади.

Бу жараён жадал давом этган 1993 йилдаги хусусийлаштириш қўлларини қуйидаги рақамлар билан ифодалаш мумкин: саноатда 1374 корхона, шу жумладан, ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган 1260 та корхона, қурилишда 72 та, савдода 20419 та, умумий овқатланишда 1953 та, тайёрлов тизимида 389 та, уй-жой коммунал ҳўжалигида 8630 та иншоот хусусийлаштирилди.

Умуман, биринчи босқич давомида 54 мингга яқин корхона ва иншоот мулкчилик шаклларини ўзгартириди. Улардан 18 минг 400 таси хусусий мулкка айланди. 26,1 мингта корхонада иншоот акциядорлик жамияти, шундан 8700 таси жамоа, 661 таси ижара корхонаси бўлди [1]. Бу мавжуд ҳар учта корхонадан иккитаси давлатга қарашли бўлмаган мулк шаклига ўтишига

олиб келди. 1994 йилда ялпи ижтимоий маҳсулотнинг деярли ярми иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторида яратилди.

1994 йилнинг ўрталаридан бошлаб хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу босқичда очиқ турдаги акциядорлик жамиятларини яратиш, уларнинг акцияларини муомалага чиқариш, шунингдек, кенг қўламли қўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорларини барпо қилиш вазифалари белгилаб олинди ва улар изчил амалга оширилди.

Хусусийлаштиришни амалга ошириш жараёнида мулкчиликнинг давлатга қарашли ва қарашли бўлмаган шакллари юзага келди. Мулкчиликнинг аралашган шакли ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси давлат мулкига маъмурий-худудий тузилмалар мулки ҳам (коммунал мулк) киради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳамустлик мамлакатлари орасида биринчилар қаторида хусусий мулкни тан олди ва мулкчиликнинг барча шакллари учун тенг шароитлар яратди. Хусусий мулк ўз мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни хоҳишига кўра ишлатиш ҳуқуқидан иборат. Мулкчиликнинг бошқа шакллари каби хусусий мулк ҳам дахлсиздир ва давлат томонидан муҳофаза этилади.

Бошқа давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки Ўзбекистон худудида жойлашган ҳамда хорижий юридик шахсларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва ишлатиш ҳуқуқини берадиган мулклардан ёки обьектларга мулкчилик ҳуқуқидан иборат.

Мулкчиликнинг аралашган шакли аҳдлашувга мувофиқ муайян қисми давлатга, муайян қисми давлатга қарашли бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга тегишли мулқдан иборат бўлади.

Хусусийлаштиришда дастлабки йиллар кўпроқ миқдор кўрсаткичларига, яъни қанча корхона мулк шаклини ўзгартирганига қаратилган бўлса, кейинчалик хусусийлаштиришнинг сифат кўрсаткичлари асосий мезон бўлиб қолди.

1994 йил охирига келиб республикада асосан ёпиқ турда 2900 та акциядорлик корхонаси мавжуд бўлган бўлса, 1996 йилга келиб 4500 та очиқ турдаги акциядорлик жамияти фаолият кўрсатган. Расман қайд этилган дехқон (фермер) ҳўжаликлари сони 7500 тадан 19300 тага етди. Биргина 1996 йилнинг ўзида кичик ва хусусий корхоналар сони 19100 тага кўпайди ва шу йилнинг 1 июляга келиб 83,5 мингтага етди [2].

Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг дастлабки босқичларида унчалик катта бўлмаган ва ўрта корхоналар хусусийлаштирилган бўлса, кейинчалик улар қаторига йирик корхоналар ҳам қўшилди. Умуман, ҳозир аксарият корхоналар хусусийлаштирилди. 1993 йили жами кор-

хоналарнинг 39,4 фоизи давлат тасарруфидан чиқарилган бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 57,7 фоизга, 1996 йилда 82,7 фоизга етди [2].

Бу босқичда кўплаб ўрта ва йирик корхоналар акциядорлик жамиятларига айлантирилди ҳамда уларнинг акциялари Республика қимматбаҳо қоғозлар бозорининг асосини ташкил этди. Давлат мулкининг акциядорликка айлантирилиши билан бир қаторда кичик хусусий бизнес корхоналари қизғин барпо этилди.

Бозор инфратузилмаси жадал ривож топди. Биржалар, тижорат банклари, хусусий суғурта компаниялари, инвестиция фондлари, улгуржи савдо тизими, аудиторлик, консалтинг фирмалари ва бозорнинг бошқа кўплаб омиллари иш бошлади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг бу босқичида очиқ турдаги акциядорлик жамиятларини вужудга келтириш, давлат мулкини танлов асосида ҳамда “ким ошди” савдосида сотиш амалиётга жорий қилинди. Кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорининг янги муассасалари барпо этилди.

Республика иқтисодиёти 1996 йилдан бошлаб мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг учинчи босқичи (1996-1998 йиллар)га кирди. Бу босқичда хусусийлаштирилмайдиган обьектлар рўйхатига кирмаган барча обьект ва корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилди. Қиёсан йирик корхоналарни кўзда тутувчи навбатдаги босқич 1998 йилдан бошланди. Бу босқичда хусусийлаштириш якка тартибда ва кўпроқ хорижий сармояларни жалб этиш асосида амалга ошириш мўлжалланди. Бунда ўрта ва катта корхоналарни хусусийлаштириш жараёнининг асосий шартлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкини хусусийлаштиршда хорижий сармояларни жалб қилиш чоралари тўғрисида”ги (1998 йил 18 ноябрь 477-сонли) фармойишида ўз ифодасини топган. Фармойища, биринчидан, 1999-2000 йиллар давомида хорижий сармояларга якка тартибда хусусийлаштириш таклиф этилган (30 та), иккинчидан, 100 % хорижий сармоядор мулкчилигига ўтказиладиган (69 та) ва учинчидан, 25 %дан 75 %гача акциялари хорижий инвесторларга сотиладиган (159 та) корхоналар рўйхати кўрсатилган эди [4].

Хусусийлаштиришнинг тўртинчи босқичида асосий мақсад (1998-2002 йиллар охири) хусусийлаштиришдан бюджетга маблағ тушириш, хусусийлаштирилаётган корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, бошқариш самародорлигини ошириш, мулкчиликнинг янги шаклларини амалга ошириш учун шароитларни яратиш билан боғлиқ.

Хусусийлаштиришнинг 4-bosқичида энг йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқа-

риш, тармоқлар ичida институционал (қонуний) ўзгаришлар, янгича хўжалик юритиш тузилмаларини яратиш амалга оширилди. Бу даврда энг йирик «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди. Тармоқларни бошқаришнинг янги тизими – холдинглар ташкил этилди. Бунга мисол сифатида узум, сабзавотларни қайта ишлаб чиқаридиган «Ўзвиносаноатхолдинг» компаниясини (2018 йил 28 февралдан бошлаб бу компания «Ўзшаробсаноат АЖ» деб қайта номланган) келтириш мумкин.

Умуман олганда, хусусийлаштиришнинг ўтган босқичларида республика иқтисодиётининг барча тармоқлари ва соҳаларида хусусий мулкчиликка асосланган янги тоифадаги корхоналар шаклланди ва фаолият юрита бошлади. «Электрокимёсаноат», «Навоиазот», «Аммофос», «Ўзкабель», «Ўзметкомбинат», «Андижон биохимия заводи», «Оҳангаронцемент», «Қизилқумцемент» ва шу каби бошқа ўнлаб йирик акциядорлик жамиятлари барпо этилди. Шу билан бир вақтда, акциядорлик жамиятлари негизида уларнинг бирлашмалари – миллий холдинг компаниялар ва бошқа интеграциялашган корпоратив тузилмалар шаклланди. «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзқишлоқмашхолдинг» компанияси, «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзмашсаноат» акциядорлик компаниялари, «Ўзпахтасаноат», «Ўзозиқовқатсаноат», «Ўзгўштусурсаноат» ассоциациялари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Иқтисодиётда нодавлат секторининг шаклланишида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг таъсири аҳамиятли бўлди. Бу борадаги ислоҳотларнинг мақсаддага йўналтирилганлиги, хар томонлами асосланганлиги ва изчиллигини таъминлаш мақсадида ҳукумат даражасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури ишлаб чиқилиб, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилди.

Мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг юқори натижаларга эришишида ҳукумат томонидан бу жараёнларнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари белгилаб олиниши аҳамиятли таъсир кўрсатди:

- мазкур жараёнларнинг асосий мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва уларга амал қилиш;
- мамлакатнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, демографик, мадданий-руҳий хусусиятларини эътиборга олиш;
- хусусийлаштириш жараёнларини маҳсус меъёрий-хукуқий асослар билан таъминлаш;

- ҳар бир алоҳида ҳолат учун хусусийлаштиришнинг энг мақбул усулларини танлаб олиш;

- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини босқичма-босқич амалга ошириш ва ҳоказо.

Юқорида таъкидлаб ўтилган жиҳатларнинг тўлиқ эътиборга олиниши хусусийлаштиришда аҳамиятли кўрсаткичларга эришилишини таъминлади.

Республикамизда 1994-2022 йиллар мобайнида 37055 та давлат корхоналари ва обьектлари хусусийлаштирилди. Биргина 2000-2022 йиллар мобайнида эса 15715 та давлат тасарруфидаги корхона ва обьектлар хусусийлаштирилб, улар асосида 2023 йил биринчи январь ҳолатига кўра республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони (фермер

ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) 592,4 мингтани ташкил этди. Улардан кичик корхоналар ва микро фирмалар – 523.6 мингта [5]. 2022 йил январь-декабрь ойида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 2018 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, 38 600 тага кўпайганини кўриш мумкин [5].

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сонининг ташкилий-хуқуқий шакли бўйича 2018 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, маъсулияти чекланган жамиятлар 30 277 тага, оиласиб корхоналар 7 473 тага, хусусий корхоналар 3148 тага кўпайган [5].

2000-2022 йиллар давомида хусусийлаштиришдан тушган пул маблағлари ҳажми 12 985,8 млрд. сўмдан ортиб кетди (1-жадвал).

1-жадвал

2000-2022-йилларда давлат корхона ва обьектларини хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари [8]

Йиллар	Хусусийлаштирилган корхона ва обьектлар сони	Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар (млрд. сўм)
2000	374	14.3
2001	1449	23.2
2002	1912	43.6
2003	1519	56.1
2004	1228	78.4
2005	980	80.5
2006	673	70.3
2007	631	111.1
2008	392	130.6
2009	135	35.7
2010	96	23.0
2011	95	39.2
2012	83	32.1
2013	82	44.1
2014	288	88.0
2015	848	103.2
2016	609	164.8
2017	542	228.3
2018	835	283.1
2019	842	480.0
2020	837	456.4
2021	750	3809.4
2022	515	6651.0
Жами:	15715	12985.8

Мазкур маблағларнинг барчаси яна корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш каби тадбирларга йўналтирилди. 2023 йил биринчи январь ҳолатига кўра рўйхатга олинган корхоналарнинг умумий сонида нодавлат мулки корхоналарининг улуши 87 фоизга етди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг босқичлари борасида иқтисодчиларнинг турли қарашлари ҳам мавжуд. Айрим иқтисодчилар, масалан, проф. А.Раз-

зоқов хусусийлаштиришнинг 4 та босқичини, яъни биринчи босқич 1992-1993 йиллар, иккинчи босқич 1994-1995 йиллар, учинчи босқич 1996-1998 йиллар, 4-босқич 1998 йил охиридан то ҳозирги пайтгача [9]; профессорлар Р.А.Алимов, А.К.Бедринцев, А.Ф.Расулов ҳам 4 та босқични, аммо биринчи босқич 1992-1994 йиллар, иккинчи босқич 1995-1996 йиллар, учинчи босқич 1997-1999 йиллар, 4-босқич 2000 йилдан бошланганини эътироф этадилар [10]. Проф. Б.Беркинов эса уч босқичга, яъни биринчи босқичи – “Кичик хусусийлаштириш” (1992-1993 йиллар), иккинчи босқич – «Оммавий хусусий-

лаштириш» (1994-1998 йиллар), учинчи босқич – «Якка тартибда хусусийлаштириш» 1999 йилдан то ҳозирги даврга қадар давом этаётганини таъкидлайди [11]; проф. А.Вохобов ҳам 3-босқичга, аммо проф. Б.Беркиновдан фарқли равишда биринчи босқични 1992-1995-йиллар, иккинчи босқични 1995-1997 йиллар, учинчи босқични 1997 йил охирларидан бошланганини эътироф этади [12].

Шуни таъкидлаш лозимки, “хусусийлаштириш босқичлари беш босқичдан иборат” деган фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, профессорлар Б.Ю.Ходиев ва Ш.Ш.Шодмонов ўзларининг 2017 йилда чоп этилган «Иқтисодиёт назарияси» дарслигига хусусийлаштиришнинг 5 та босқичини, яъни 1-босқич 1992-1993 йиллар, 2-босқич 1994-1995 йиллар, 3-босқич 1996-1998 йиллар, 4-босқич 1998-2002 йиллар, 5-босқич 2003 йилдан то ҳозирги кунга қадар бўлган давни кўрсатиб ўтганлар [13]. Бизнинг фикримизча, профессорлар Б.Ю.Ходиев ва Ш.Ш.Шодмонов томонидан хусусийлаштиришнинг бешинчи босқичини 2003 йилдан то ҳозирги даврга қадар эмас, балки 2003-2007 йиллар деб қабул қилиб, янги 6-босқич Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 20 июлдаги 672-сонли «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сонли «Иқтисодий начор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида»ги фармойиши ва 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин деб олсак, мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки иқтисодиёт фанининг олимлари, биламизки, ижтимоий-иқтисодий тизимлар ишлаб чиқариш усулларига кўра вужудга келган ҳодисалар боғланишининг бир-биридан фаркланишини иқтисодий категориялар воситасида ўрганишлари барчамизга маълум. Шунинг учун ҳам иқтисодий инқирозни категория сифатида қараб 2008 йилдан бошланган инқирознинг сабаб ва оқибатларини кенг кўламда таҳлил қиласидилар, деб ўйлаймиз. Шунинг учун ҳам молиявий инқироз даврида, бизнинг фикримизча, мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг 6-босқичи ана шундай шароитда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир даврнинг ўз тараққиёт омиллари, эҳтиёjlари, объектив талаблари ва ҳаётий тамоиллари бўлади. Табиийки, буларнинг барчасини шакллантириш ва ривожлантиришга, уларга алоҳида маъно-мазмун бағиашлашга бу даврда давлат, жамият ҳаёти, ижтимоий институтлар фаолиятининг аниқ ўйналишларини белгилаб беради-

ган улкан тарихий воқеалар, ҳодисалар юз беради. Шулардан бири – мамлакатимиз 2017 йилдан бошлаб ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган 7 та устувор ўйналишдан иборат Тараққиёт стратегияси ҳамда 2023 йил 30 апрелда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси референдум асосида қабул қилинди. Шу билан бирга, давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш борасида бир неча Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, “Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги фармон, “Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги қарор, “Давлат мулки обьектларини ва ер участкаларига бўлган хукуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 11 октябрдаги фармон, “Давлат мулки обьектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 28 январдаги фармон, “Давлат иштироқидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 27 октябрдаги фармон, “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги фармон, “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган хукуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 8 июндаги фармон, “Мулк хукуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашви даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 24 августдаги фармон ҳамда бир неча марта Президент раислигига хусусийлаштириш борасидаги ишлар танқидий таҳлил қилиниб, давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан видеоселектор йиғилишлари ўтказилди ва бу ишлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий

ва мақсадли вазифаларга тұхталиб: “2020 йилда макроиқтисодий барқарорлыкни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги бош вазифадир. Мавжуд 3 мингга яқин давлат иштирокидаги корхоналарни хатловдан ўтказыб, хусусий сектор ва рақобат ри-вожланган йўналишларидағи корхоналарда давлат иштирокини кескин камайтириш чораларни кўриш керак” [14], – деб таъқидлади.

Юқорида баён қилингандардан келиб чи-қиб, 2008 йилда жаҳонда бошланган молиявий-иқтисодий инқизорни ҳисобга олган ҳолда хусусийлаштиришнинг 6-босқичини 2008-2016 йиллар деб эътироф этиш ва хусусийлаштиришнинг ҳозирги ўзига хос янги 7-босқичи 2017 йилдан бошланди ҳамда бугунги кунда ҳам Янги Ўзбекистон шароитида давом этмоқда, деб қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Шуни ҳам айтиш лозимки, кўрилган чора-тадбирларга қарамай, ҳали ҳам самарасиз ва зарар кўриб ишләётган корхоналар мавжуд. Масалан, республика бўйича зарар кўриб ишлаган корхоналар сони 2019 йилда 232 та, 2020 йилда 452 та, 2021 йилда 448 та бўлган бўлса 2022 йилда эса 540 тани ташкил этган, зарар миқдори 2020 йилда 42123.3 млрд. сўм, 2021 йилда 64350.8 млрд. сўм, 2022 йилда эса 74009.8 млрд. сўм бўлган. Заарнинг асосий қисми қўйидаги тармоқларга тўғри келди: электр, газ, буғ билан

таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 5028,3 млрд. сўм (жами заарнинг 21,6 %и) [15].

Республикада 2022 йилда зарар кўрган айрим вазирлик ва хўжалик бошқаруви органлари бўйича заарнинг асосий қисми “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ 1784.1 млрд. сўм, “Ўзтрансгаз” АЖ 2213.2 млрд. сўм, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги 454.6 млрд. сўм, “Ўзбекнефтгаз” АЖ 391.4 млрд. сўм, шунингдек, Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси 165.2 млрд. сўм, “Ташшахар-трансхизмат” АЖ 145.3 млрд. сўм, “Ўзбеккимёсаноат” АЖ 102.0 млрд. сўмга тўғри келди [15].

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, ҳали ҳам бугунги кунда зарар кўриб ишләётган иқтисодий ночор корхоналар мавжуд, агар 2019 йилда 232 та корхона ва ташкилот ўз фоалиятини 8254.6 млрд. сўм зарар билан якунлаган бўлса, 2020 йилда 452 та корхона 10035.5 млрд. сўм зарар билан, 2021 йилда 448 та корхона 9298.9 млрд. сўм зарар билан, 2022 йилда эса 540 та корхона 11706.7 млрд. сўм зарар билан якунлаган [15].

Шу билан бирга, кейинги йилларда корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳам кўпайиб бормоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Мамлакатимизда 2018-2022 йилларда корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорининг 1 декабрь ҳолатига кўра, млрд. сўм [15]

Йиллар	Дебиторлик қарзи		Кредиторлик қарзи	
	Жами	Шундан муддати ўтган қарздорлик	Жами	Шундан муддати ўтган қарздорлик
2018	91749.8	925.8	94172.8	2073.5
2019	93096.6	15321.4	107170.9	9431.2
2020	120541.3	1758.9	130315.0	2656.0
2021	160462.5	2207.1	188342.6	3687.7
2022	220191.2	6826.7	247147.8	7375.8

Корхоналарнинг 2022 йил январь-ноябрь ойлари маълумотлари мулкчилик шакли бўйича таҳлил қилинганда, давлат мулки иштирокидаги корхоналар ҳиссасига жами дебитор қарздорликнинг 9180.8 млрд. сўми ёки 4.2 %и тўғри келди, шу билан бирга, хусусий мулк иштирокидаги корхоналар ҳиссасига 211010.4 млрд. сўм ёки жамига нисбатан 95.8 %и тўғри келган.

Шунингдек, корхоналарнинг мулкчилик шакли бўйича 2022 йилнинг январь-ноябрь ойлари бўйича жами кредитор қарздорликнинг 6527.8 млрд. сўми ёки 2.6 %и давлат мулки иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тегишли бўлган бўлса, хусусий мулк иштирокидаги корхоналарники эса 240620.0 млрд. сўмни ёки жамига нисбатан 97.4 %ни ташкил этди [15].

2021 йилда давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан ўтказилган хатлов натижаларига кўра республикамизда тармоқ ва худудларда самарасиз ишлатилаётган 2 мингдан ортиқ объект борлиги аниқланган.

Жумладан, нефть-газ тармоғида 210 та, алоқа соҳаси корхоналарида 152 та, давлат тижорат банкларида 114 та, кимё тармоғида 44 та, энергетикада 28 та сотиладиган бино бор. Вилоят ҳокимларни балансида ҳам 170 га яқин бўш объект йиллар давомида сотилмай турибди [19].

2023 йилда соҳадаги ишларни фаоллаштириб, натижадорликни икки баробар ошириш зарурлиги таъкидланди ва худудий объектлар ва ноқишлоқ ерларни хусусийлаштириш орқали 2023 йил якунигача жами 8 триллион сўмдан

зиёд тушумни таъминлаш лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, хатловни давом эттириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Носоҳавий, самарасиз ва бўш турган активларни аниқлаш ҳамда очик савдоларга чиқаришга вилоят ҳокимлари ва тармоқ раҳбарлари шахсан масъул этиб белгиланди.

Ҳозирги кунга қадар савдога қўйилган 33 мингта ер участкасини мулк ҳуқуқи асосида сотиши тезлаштириш ҳамда яна 25 мингта майдонни аукционга чиқариш вазифаси қўйилди, шунингдек, йўл, транспорт, нефть-газ, энергетика, автомобилсозлик тармоқларига қарашли 266 та корхонани алоҳида ёндашув асосида савдога чиқариш кераклиги айтилди.

Бундан бўён уч ойдан ортиқ бўш турган обьект ижарага берилиши ёки сотувга чиқарилиши шартлиги белгиланди. Худудлар ва тармоқлар тасарруфидаги давлат мулклари ижараси ҳисобига 2023 йилда 500 миллиард сўм тушумни таъминлаш мумкинлиги айтилди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, 2023 йилда катта хусусийлаштириш бошланади, 1 мингга яқин корхона савдога чиқарилади.

Президентимиз 2023 йил 27 апрелдаги иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқида "...биз бу йил давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича "1минг+1минг+40" дастурини қабул қилдик. Бу дегани 1 мингта корхонадаги давлат улуши ҳамда давлатга тегишли 1 мингта кўчмас мулк обьекти очик аукцион савдоларига чиқарилади, иқтисодиётимиз учун стратегик аҳамиятга эга 40 та корхона IPOга олиб чиқилади. Жумладан, олтин, мис ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар, телекоммуникация ва суғурта компаниялари ҳамда банклар акциялари инвесторларга таклиф этилади", – дея таъкидлади.

Миллий иқтисодиётдаги давлат улуши сақланиб қолаётган айрим тармоқлар ва йирик корхоналарда бозор механизмларига ўтиш кечикаётгани туфайли Президентимизнинг 2020 йил 27 октябрдаги фармони билан давлат иштирокидаги З мингга яқин корхона фаолиятини тўлиқ ўрганиш асосида хусусийлаштириш лозимлиги белгилаб берилди.

Шундан келиб чиқиб, бу борадаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ҳам 2023 йилда энг йирик 10 та компания ва тижорат банклари шаффоф савдога чиқарилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида"ги фармонида мамлака-

тимиз банк тизимида давлат улушкини босқичмабосқич камайтириш, молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, хизмат кўрсатишни модернизация қилиш, соҳада самарали инфратузилма яратиш ва автоматлаштириш, шунингдек, улар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни бекор қилиш орқали самарадорлигини ошириш вазифалари белгилаб берилди.

Ушбу фармонга мувофиқ, "Ипотекабанк", "Ўзсаноатқурилишбанк", "Асакабанк", "Алоқабанк", "Қишлоққурилиш" ва "Туронбанк"ни хусусийлаштириш бўйича қарор қабул қилинди.

Хуллас, тижорат банкларида трансформация жараёнларини давом эттириб, банк активларида хусусий секторнинг улушкини 60 фоизга етказиши, давлат иштирокидаги корхоналар сонини 2026 йилга бориб камида 3 баробар қисқартириш режалаштирилган.

Мамлакатимизда ўтган ўн йилда 1.2 триллион сўмлик давлат активлари сотилган бўлса, биргина 2022 йилнинг ўзида бу кўрсаткич 11.3 триллион сўмни ташкил этган. Яъни сўнгги бир йилда ўн йил давомида қилинган ишлардан 10 карра кўп натижага эришилди. Хусусан, охирги уч йилда (2020-2022.й.) устав фондида давлат улуши мавжуд 300 га яқин хўжалик жамияти ва давлат унитар корхонаси ҳамда 1 минг 600 дан ортиқ кўчмас мулк обьекти хусусийлаштирилди, 650 дан зиёд корхона тугатилиб, 160 таси қайта ташкил этилди [20].

Хусусан, собиқ "Чорсу" меҳмонхонаси БАА компаниясига, "Ўзбекистон" меҳмонхонасининг 80.13 фоиз давлат улуши Сингапур компаниясига сотилган. Шунингдек, "Самарқанд-кимё" корхонаси, "Кўнғирот сода" заводидаги давлат улушлари ҳам сотилган. Бу обьектларга 425 млн. доллар инвестиция киритилиб, 800 та янги иш ўринлари яратилади.

Деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун 2022 йилда 100 минг гектар пахта ва фалла майдонлари қисқартирилиб, очиқ электрон аукцион орқали аҳолига тарқатилди. Бунинг ҳисобидан 420 мингдан ортиқ янги хўжалик ташкил этилиб, 1 миллион 200 мингдан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилгани айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида: "Келгуси йили катта хусусийлаштиришни бошлаймиз, 1 мингга яқин корхона савдога чиқарилади.

Бугун кўнглимдаги бир ниятимни сизларга очиқ айтмоқчиман. Менинг катта ниятим – юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз

омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин.

Шунинг учун топшириқ бердим, келгуси йилда энг йирик 10 та компания ва тижорат банкларимизнинг акциялари ўз аҳолимиз учун очиқ ва шаффо савдога чиқарилади.

Бу чинакам халқчил IPO бўлишига ишонаман.

Шу борада илгари ҳам айтган гапимни такрорлашни ўринли, деб биламан: **халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади**".

"Халқчил IPO" – халқ пулларини мамлакат иқтисодиётини ўстиришга жалб қилиш усулидир. IPO давомида тўплланган маблағлар компанияларни янада ривожлантириш, активларни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенгайтиришга йўналтирилади, фонд бозорини фаоллаштиришга ёрдам беради. Қисқача айтганда, "Халқчил IPO" юз минглаб мулкдорлар пайдо бўлишига хизмат қиласди.

IPO ўтказиш – хусусийлаштириш усулларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда 2023 йилдан бошлаб 40 та йирик корхона ва банклардаги давлат улуши халқчил IPO орқали сотилиши белгиланган.

Хусусан, илк бор "Навоий" ва "Олмалик" кон-металлургия комбинатлари, металлургия комбинати, "Ўзтелеком", "Миллий банк", "Ўзсаноатқурилишбанк" каби йирик корхоналарнинг ўртача 2 фоиз акциялари аҳолига таклиф этилади.

Бунда аҳолига акцияларни тўғридан-тўғри сотиб олиш имконияти яратилади. Натижада аҳоли бўш турган пул маблағларини фонд бозорига йўналтириш, яъни акциялар сотиб олиш ҳисобидан дивиденд қўринишида қўшимча даромадга эга бўлиши мумкин. Акциялари сотилган корхоналар беш йил давомида соф фойдасининг камидаги 30 фоизини дивиденд тўлашга йўналтиради.

Йирик корхоналарнинг IPOга чиқиши муҳим воқеа бўлиб, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотади. "Халқчил IPO" ёрдамида улар қўшимча сармояларни мамлакатнинг оддий фуқароларидан олади. Акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритаётган корхона ўз ривожи учун инвестицияларни қимматли қофозлар чиқариш ва жойлаштириш орқали жалб қилувчи қулай молиявий имкониятга эга бўлади. Хулоса қилиб айтганда, халқ IPOси компания акциялари чет эллик инвесторларга эмас, биринчи навбатда, маҳаллий аҳоли учун савдога қўйилишидир. Бошқа томондан қарагандаги эса бу мамлакат иқтисодиёти ривожи йўлида аҳоли қўлидаги пул маблағларини жалб қилишининг самарали усули саналади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда 2017-2022 йиллар давоми-

да 4321 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари обьектларни қўшган ҳолда) корхона ва обьектлар хусусийлаштирилди, давлат активларини бошқариш трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига жами 6651.0 млрд. сўм келиб тушган, шундан: давлат акция пакетлари сотувидан – 1798.2 млрд. сўм, давлат улушлари сотувидан – 2629.6 млрд. сўм, кўчмас мулк обьектлари сотувидан ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан – 2213.1 млрд. сўм ва бошқа манбалардан – 10.2 млрд. сўм [21].

2021 йилда жами Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига маблағлар тушуми жами 3809.4 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 6651.0 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 74.6 %га кўпайган.

2022 йилнинг январь-декабрида вазирлик ва идоралар кесимида хусусийлаштирилган давлат обьектлари таркибида энг кўп улуш Давлат активларини бошқариш агентлигига 349 та обьект (レスpubлика bўйича жами хусусийлаштирилган обьектларнинг 67.8 %), маҳаллий ҳокимиyатларга 101 та обьект (19.6 %), Молия вазирлигига 3 та обьект (0.6 %) тўғри келди.

Давлат нотурар жой фондидан самарали фойдаланиш мақсадида 2022 йилнинг январь-декабрида обьектларни ижарага бериш бўйича 27466 та ижара шартномалари тузилган. Натижада 7.5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган. Давлат мулкини ижарага беришдан тушган тушумлар жами 297.6 млрд. сўмни ташкил қилган [22].

Умуман олганда, миллий иқтисодиётда хусусийлаштириш йўналишида бажарилаётган ишлар самарасини қўйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- хусусийлаштириш жараёни натижасида мамлакатимизда хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилди. Шу туфайли иқтисодиётнинг кўплаб соҳа ва тармоқларида янги корхоналар пайдо бўлиб, уларда самарали меҳнатни рағбатлантирувчи замонавий тизимлар яратилди. Аҳоли орасида мулкдорлар қатлами шаклланиб, улар мамлакат ижтимоий-иктисолий ривожида муҳим роль ўйнамоқда;

- давлатнинг мулкка мутлақ эгалигига барҳам берилиди ва иқтисодиётда эркин рақобат мұхити шаклланиши бошланди;

- иқтисодиётда муҳим таркибий ўзгаришлар амалга оширилди;

- Ўзбекистон иқтисодиётининг чет мамлакатлар иқтисодиётига интеграциялашви асоси яратилди, хусусийлаштирилган мулк негизида қўшма корхоналар барпо этиш тезлашди;

- иқтисодиётнинг турли соҳаларидағы паст рентабелли, зарар билан ишлаётган корхон-

наларда янги механизмлар жорий этилиши инвестициялар ортишига олиб келди. Буларнинг бари, ўз навбатида, корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари камайишига, тўлов қобилияти ошиб, фаолияти барқарорлашуви, умуман, ишлаб чиқаришнинг модернизациялашувига замин яратди.

Бу чоралар 2026 йилга Ўзбекистон ялпиички маҳсулотида хусусий секторнинг улушкини 67 фоиздан 80 фоиз, экспорт ҳажмида эса 32

фоиздан 60 фоизга етказиша ҳамда 2030 йилга бориб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан оширишга мустаҳкам асос бўлади.

Буларнинг барчаси янги Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб, аҳоли ўртадан юқори даромад оладиган давлатлар қаторидан жой олишда пойдевор вазифасини ўтайди ҳамда "Ўзбекистон – 2030" стратегияси белгиланган мақсад ва вазифалари ижросини таъминлашга асос бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ўйлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. 56-бет.
2. Гуломов С. Ижтимоий ўйналтирилган бозор иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: Мехнат, 1997.
3. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: "Ўқитувчи" нашиёти, 2002. 83-б.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат мулкни хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб қилиш чоралари түғрисида"ги (1998 йил 18 ноябрь, 477-сонли) фармойши.
5. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ҳолати. 2022 йил январь-декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги. – Т., 2023 й. – 343 бет.
6. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. – Т.: "Ўзбекистон" нашиёти, 1999. 59-б.
7. Шодмонов Ш., Рафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: "Иқтисодиёт-молия" нашиёти, 2010. 85-б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2000-2022 йил маълумотлари.
9. Раззақов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. – Т.: Молия, 2002. – 441 бет.
10. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. – Т.: Ўзбекистон, 2001. С. 56.
11. Ўзбекистон иқтисодиёти мустақиллик йилларида. – Т., 2007. – 184 бет.
12. Воҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиши босқичидаги қўп укладли иқтисодиёт ва унинг тақроран ҳосил бўлиши. – Т.: Молия, 2002. 105-107-бетлар.
13. Ходиев Б.Ю. ва Шодмонов Ш. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Barkatol fayz media, 2017. – 104 бет.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга ўйллаган Мурожаатномаси. //Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.
15. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ҳолати. 2022 йил январь-декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги. – Т., 2023 й. – 326 бет.
16. Экономическая теория. Учебник. Российская экономическая академия им. Г.В.Плеханова и Санкт-Петербургский университет экономики и финансов. – М., 2000. С. 172.
17. Хуррамов А. Ўтиши иқтисодиётида мулкий муносабатлар ва уларнинг аграр соҳадаги хусусиятлари. Иқтисод фанлари доктори илмий дарражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2005. 19-б.
18. Ваҳобов Ф. Бозор иқтисодиётига ўтиши даврида мулк таркибининг ўзгарishi. Ўзбекистон Республикаси материаллари мисолида ёзилган иқтисод фанлари номзоди илмий дарражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2007. 12-13-б.
19. Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 2022 йил 24 январь куни давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича 2023 йилда амалга ошириладиган ишлар юзасидан видеоселектор ийғилиши материаллари. //Халқ сўзи. 2022 йил 21 январь.
20. Отаниёзов Ж. Хусусийлаштириш – иқтисодиёт ривожининг муҳим тиргаги. //Янги Ўзбекистон, 2023.10.05.
21. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ҳолати. 2022 йил январь-декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги. – Т., 2023 й. 340-341-бетлар.



**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА
СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ**

**Ирматов Абдумалик Абду билол ўғли -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси**

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a34

Аннотация. Уибу мақола Ўзбекистонда солиқларнинг аҳамиятини ўрганади ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича тавсиялар беради. Таклифлар солиқ тузилмасини ислоҳ қилиш, самарали солиқ маъмуриятчилиги, прогрессив солиқлаштириш, шаффофлик ва ижтимоий ҳимоя тармоқларини ўз ичига олади. Бундан ташқари инфратузилма, таълим ва халқаро ҳамкорликка инвестициялар иқтисодий ўсииш ва ривожланишини рағбатлантириш учун зарурдир.

Калим сўзлар: солиқлар, иқтисодий ривожланиш, хорижий инвестициялар, фискал жавобгарлик, прогрессив солиқлаштириш, солиқ тузилмаси, ислоҳот.